

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR
PAGES

JOCAA

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 4

JUNE | 2023

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-4

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-4>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдувоҳидов Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ЮСУПОВА Мадина Зоир кизи*Ўзбекистон давлат консерваторияси**“Муסיқа назарияси” кафедраси ўқитувчиси*<https://doi.org/10.5281/zenodo.8084719>

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИЁТИДА ВАРИАЦИОНЛИЛИК

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола, замонавий Ўзбекистон композиторлик ижодида вариацион шаклнинг ўрни, аҳамияти ҳақида батафсил баён этишдан иборатдир. Мақоланинг кириш қисмида вариацион шакл ва вариацион ривожлов ҳақида маълумот берилади ва ушбу шаклга мурожаат қилган Ўзбекистон композиторлари санаб ўтилади. Асосий қисмда эса, вариацион шаклга бўлган қизиқиш, унинг осон ва мураккаб томонлари ҳақида айтиб ўтилади. Вариацион шакл учун мавзу ниҳоятда хос бўлганлиги боис, вариация мавзуси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Вариациянинг мавзуси дастлаб қандай бўлган, европа композиторлари ижодида қандай тус олган ва айниқса Ўзбекистон композиторлари вариацион шаклдаги асарларида вариациянинг мавзусига бўлган эътибор хусусида сўз олиб борилади. Бундан ташқари, вариацион шаклнинг монодик аънаналар билан чамбарчас боғлиқлик томонлари кўриб чиқилиб асосли равишда намоён этилади. Хулоса қисмида эса, вариацион шаклларнинг монодик аънаналарнинг таъсирида яратилган ноодатий, оригинал вариация турлари хусусида хулосавий фикрлар билдирилади.

Калит сўзлар: вариация, вариация мавзуси, вариационлилик, вариацион ривожлов, ритм, фактура, монодия аъналалари.

ЮСУПОВА Мадина Зоировна*Государственная консерватория Узбекистана**Преподаватель кафедры "Теория музыки"*

В ТВОРЧЕСТВЕ КОМПОЗИТОРОВ УЗБЕКИСТАНА ВАРИАТИВНОСТЬ

АННОТАЦИЯ

Данная статья представляет собой подробное описание роли и значения вариационной формы в современной композиционном творчестве Узбекистана. Во вступительной части статьи приведены сведения о вариационной форме и вариационном развитии, а также перечислены композиторы Узбекистана, обращавшиеся к этой форме. Поскольку тема вариационной формы очень специфично, тема вариации будет рассмотрена отдельно.

В чем была тема вариации вначале, как она складывалась в творчестве европейских композиторов, и особенно будет рассмотрено внимание к теме вариации в произведениях узбекских композиторов в форме вариации. Кроме того, рассматриваются и обоснованно демонстрируются аспекты тесной связи вариационной формы с монодическими традициями. В заключительной части делаются заключительные замечания о необычных, оригинальных вариативных типах вариационных форм, созданных под влиянием монодических традиций.

Ключевые слова: вариация, тема вариации, вариационность, вариационное развитие, ритм, фактура, традиции монодии.

Yusupova Madina Zoir kizi

Uzbekistan State Conservatory

Teacher of the Department "music theory"

IN THE WORKS OF COMPOSERS OF UZBEKISTAN VARIATIONALITY

ANNOTATION

This article is a detailed description of the role and significance of the variational form in the modern compositional art of Uzbekistan. The introductory part of the article provides information about the variational form and variational development, as well as lists the composers of Uzbekistan who turned to this form. Since the theme of the variational form is very specific, the theme of variation will be considered separately. What was the theme of variation in the beginning, how did it develop in the work of European composers, and the attention to the theme of variation in the works of Uzbek composers in the form of variation will be especially considered? In addition, aspects of the close connection of the variational form with monodic traditions are considered and reasonably demonstrated. In the final part, concluding remarks are made about unusual, original variable types of variational forms, created under the influence of monodic traditions.

Key words: variation, theme of variation, variability, variation development, rhythm, texture, monody traditions.

Замонавий мусиқа ўзининг кўпгина турли бадиий йўналишлари, жанр, услублар, ёзув техникаси, шакли, индивидуаллиги, ўзгача талқини билан ажралиб туради. Лекин шу билан бир қаторда, замонавий мусиқа амалиётида доимий ривожланиш, бойитилишга интилишида олдинги давр тажрибасига таянади.

XX–XXI асрларда мусиқий ифода воситалари, ривожлантириш тамойиллари, мусиқий шакллар жиддий равишда янгилашиб бормоқда. Бу эса вариацион шаклларда ҳам ўз аксини топган [1].

Вариацион шакл – қадимий шакллардан бири бўлиб, бир қатор шакллар сингари халқ кўшиқ ва рақс мусикасидан келиб чиққан.

Вариационлилик ҳам ривожлов тамойили сифатида, ҳам шакл сифатида қўлланилади. Вариационлилик ривожлов тамойили нафақат вариацион шаклларда, балки барча оддий ва мураккаб шаклларда катта аҳамиятга эга. Вариационлилик тарихан пайдо бўлган бўлсада, ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда етиб келган [2].

Вариационлилик шакл, ҳамда ривожлов тамойили сифатида Ўзбекистон композиторлари ижодиётида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Ушбу шаклга Т. Қурбонов, Н. Ғиёсов, М. Тожиев, М. Махмудов, М. Бафоев, Ф. Янов-Яновский, Ҳ. Рахимов, Р. Абдуллаев, А. Мансуров, А. Хошимов, О. Абдуллаева, Ҳ. Хасанова, Д. Зокирова, ва кўплаб бошқа композиторлар мурожаат қилганлар.

Вариацион шаклдаги асарларни яратиш қайсидир маънода мураккаб бўлишига қарамадан, замонавий ўзбек композиторлари ушбу шаклга жуда катта қизиқиш билдиришди. Вариацион шаклга бўлган қизиқишнинг сабаби нимада деган савол туғилади.

Бизнинг фикримизча, вариацион шаклнинг қатъий қонун-қоидалар билан чегараланмаганлиги, вариациялар сонининг чексизлиги, ривожлов тамойилининг турли йўллар билан амалга оширилиши ва шу нуқтаи назардан унинг эркинлиги композиторларни ўзига жалб қилган бўлиши табиий. Вариационлиликнинг эркинлиги композиторларга эркин ижодий ёндашиш имкониятларини беради. Бундан ташқари, композитор бир мавзу асосида бир неча хил образларни яратиш имкониятига эга бўлади.

Композиторлар ижодиётида вариацион ривожлов тамойили ҳам катта ўрин эгаллаган. У деярли барча мусикий шаклларда қўлланилади. Оддий ва мураккаб шаклларнинг репризаси кўпинча вариациялашган бўлади. Барча бундай ходисаларда вариациялаш оддий такрорни мулозим қилиш ва бойитишдаги ёрдамчи тамойил сифатида иштирок этади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вариационлилик ўзбек монодиясида ниҳоятда катта ўрин эгаллайди. Ўзбек мусиқасида ҳам вариационлилик тамойили етакчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан айтиш даркорки, вариационлилик нафақат мусиқа учун, балки санъатнинг барча соҳалари умумий қилиб айтганда, шарқнинг асл табиати, минталитети, психологияси учун характерлидир. Шарқнинг табиатига хос бўлган аста-секинлик, инсонлараро суҳбатдаги оҳисталилик, миллий кийим-кечаклардаги бежиримлилик, бинолардаги нақшинкорлик каби унсурлар вариационлиликнинг негизида барқ этиб туради. Вариационлиликда ҳам аста-секинлик билан ривожланиш, борлиқнинг доимий ўзгариб янгиланиши ҳамда турли хил безаклар орқали ҳар хил тусга кириш усуллари ётади. Шу боис, ўзбек композиторлар ижодиётида шакл ҳосил қилувчи доирада миллий анъаналарнинг акс эттирилиши вариацион шаклга бўлган қизиқишни янада ўстирди ва ушбу шаклга мурожаат қилишларига туртки бўлди десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир шакл ўзининг схемасига эга. Хусусан, вариацион шаклларда мавзу ва унинг бир қатор вариацияларидан иборат бўлади. Аммо бу схемани мусикий материаллар билан тўлдирилишида ҳар бир композитор ўзининг индивидуал ёндашувини намоён этади. Шу боис вариацион шаклнинг оригинал, ноанъанавий турлари юзага келади. Унинг оригиналлиги, ноанъанавийлиги юқори даражада *монодия анъаналари* билан боғлиқдир.

Ўзбекистон композиторларининг вариацияларида модификация турли хил томонларида кўриниши мумкин. Демак, вариациялашнинг бошланғич “ғояси” мелодик мавзуйлик ҳамда мавзуйликнинг бошқа турлари булиши мумкин. Агар илгари айнан куй, кўпинча, ритм, гармония билан комплекс равишда мавзу функциясини бажарган бўлса, эндиликда эса, мавзуйликнинг турли хил турлари вужудга келди: мавзу-ритм, мавзу-фактура, мавзу-тембр, мавзу-гармония. Уларнинг янгиллиги шундаки, мавзуда ритм, тембр, фактура етакчи аҳамиятга эга ҳисоблансада, уларнинг анъанавийлиги бажарилаётган вазифасида – мусикий фикрнинг асосий намоёндаси бўлиб кейинги ривожловга асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мелодик мавзуйлик муҳим ўзгаришларга дучор бўлди. Агарда илк анъанавий вариацияларда мелодик мавзу тугалланган, тузилиши томондан ташкиллаштирилган ва ҳажм жиҳатдан нисбатан ривожланган тузилма сифатида келса, замонавий босқичда эса, Ўзбекистон композиторлари асарларининг мавзуйлик асосида, баъзи ҳолатларда ибора, мотив, ўзига хос мавзу-тезис сифатида намоён этилади.

Мавзуйлик билан боғлиқликда, яна бир фикрни айтиб ўтишни лозим деб топдик. Маълумки, анъанавий вариациялар асосида навбатдаги келувчи вариациялардан чегараланувчи мавзу ётади. Бундай ҳолатда, ҳаққонан айтиш керакки, мавзу ва вариациялар бир-бирига нисбатан функционал жиҳатдан тенг ҳуқуқли эмас, зеро мавзунинг баён этилиши навбатдаги вариацияларда вариацион ривожланиш жараёнига қарама-қарши қўйилади.

Бирок, бундай қарама-қаршиликлар ҳар доим бўлавермайди, яъни мавзу кейинги вариациялардан ажралмайди. Бундай ҳолатда, ўзига хос муттасил композиция вужудга келади, яъни “мавзу” (дастлабки кўриниш маъносида) ва навбатланувчи вариант-вариациялари функционал жиҳатдан тенгхукули ҳисобланади.

Маълумки, Бахгача бўлган даврда мавзу деган тушунча замонавий маънода мавжуд бўлмаган. Лекин, ўша даврда мавзу бошқа ўзига хос универсал маънога эга бўлган ва нафақат мусиқа учун, балки адабиёт, тасвирий санъатга ҳам мувофиқ бўлган. Аристотелдан бошлаб XVI асрда Царлино ушбу маънони мусиқа учун қўллаган. Унга мувофиқ мавзу “ҳикояни талқин этиш предмети сифатида тушунилади” [3].

Айтиш керакки, Е. Назайкинский мавзу тушунчаларидан бирини *мавзу-сюжет* билан боғлайди. Бундай тушунчада мавзу турли ҳил мусиқада мавжуд бўлиб, қайсидир маълумотни етказиш учун яратилган [4].

Бизнинг назаримизда, мавзунинг бундай талқини ва унинг навбатдаги вариациялардан ажратилмаганлиги, монодиянинг инвариант-вариант тушунчасига яқиндир. Композиторлар томонида айнан муттасил-вариацион турдаги шаклларнинг қўлланилиши композиторлик ижодиёти шароитида монодик тафаккурнинг жараёнларини ниҳоятда органик равишда акс эттиради.

Дарҳақиқат, мавзуийликнинг тури, материалнинг ўзига хослиги вариацион шаклда вариациялаш усуллари ва бутун бир яхлитликда унинг ташкилланишини олдиндан аниқлаб беради.

Мавзуийликнинг янги турларини вужудга келишида вариацион шакл мавзусининг ифодавийлиги ва конструктив хусусияти сезиларли равишда янгиланди. Эндиликда, Ўзбекистон композиторлари асарларида вариацияларнинг мавзуси нафақат ривожланган, характерли мелодик мавзу саналади, балки тузилиши жиҳатидан ибора, мотивни ташкил этувчи мавзу-тезис, мавзу-негиз сифатида келади. Шу билан бир қаторда, мавзу ритмик, фактурали, тембрли бўлиб намоён этилади, шунингдек серияли, пуантилистик, сонорли мавзулар ҳам қўлланилади.

Вариациянинг мавзуси сифатида халқ кўшиқлари, машҳур композиторларнинг мавзулари ёхуд оригинал мавзулардан фойдаланилади. Мавзунинг оҳанги, ритмик суръатлари, ички тузилиши, ривожи ўзбек (уйғур)анъаналари асосида амалга оширилади. Вариациянинг мавзуси асосан икки қисмли ва вариацион – вариантли шаклларда ёзилади. Европа мусиқасида вариация мавзусининг икки қисмли шаклда ёзилиши одатий ҳолдир. Лекин вариацион–вариантли шакллар айнан Ўзбекистон композиторларининг мавзуларига хосдир.

Одатда вариациянинг мавзуси бир қатор тузилмалардан иборат бўлади. Улардан биринчиси асосий интонацион-ритмик асоси(негиз)ни беради ва асосий турғун товушни кўрсатади. Қолган кейинги тузилмалар унинг эркин вариантлари сифатида идрок этилади. Биринчи тузилма пастки регистрда берилади. Кейинги тузилмалар юқори регистрларга кўтарилганда эса янги лад таянч товушлари пайдо бўлади. Бирок тузилмаларнинг якунида асосий турғун товуш қайтиб келади. Турғун товушнинг доимий равишда қайтиб келиши *монодиянинг пастки тоника* тамойилини эслатади.

Юқорида айтиб ўтилган монодиянинг қонуниятлари нафақат мавзунинг ўзида, балки кейинги вариацияларнинг ривожланиш давомида ўз аксини топади. Бу ҳар томонлама – метро–ритмик, фактура, ладо–тоналлик, ривожланиш усулларида ифодаланади.

Вариацион шаклларда ритмнинг аҳамиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Кўп вариацион туркумларда турли усулларнинг қўлланилиши, ҳар хил ўлчовлар, ҳамда суръатларнинг алмашилиб келиши жуда хосдир.

Улар вариацион шаклларидаги етакчи ва муҳим омиллардан бири бўлиб, ифодавий ва ривожланувчи восита, ҳамда шакл ҳосил қилувчи вазифасини бажаради. Кўп ҳолларда, ҳар бир вариациянинг бошланиши янги усул, суръат ва метро-ритмик ўлчовнинг келиши билан белгиланади.

Шундай қилиб, шакл ва драматургия тузилишида темп ва метро-ритмнинг роли катта аҳамиятга эгадир.

Композиторлар томонида яратилган вариациялар услуб, характер, жанр жиҳатдан ажралиб туради. Лекин шу билан биргаликда, барча асарларни умумлаштирувчи омил ҳам мавжуд – бу маълум даражада халқ-миллий аънаналарининг таъсири билан боғлиқдир. Уларнинг таъсири турли томондан ўз аксини топади – мавзуйлик, фактура, шакл, семантик жиҳатдан.

Ўзбекистон композиторларининг кўпгина вариацион шаклдаги асарларини таҳлил қилиш жараёнида, бизда қуйидаги хулосавий фикрлар вужудга келди:

— вариацион шакл композиторлар томонидан мустақил шакл сифатида ёки туркумлар(симфония, концерт, кватрет)нинг бир қисми сифатида қўлланилади.

— композитор томонидан вариацион шаклнинг барча турларида, яъни қатъий, эркин, остинатоли, фигурацион, жанр-характерли вариациялар яратилади. Бироқ, улардан деярли барча турлари модификациялашган(ўзгартирилган) тоифасига қарашлидир. Зеро, улар типик аънавий шакллардан етарли даражада фарқланади. Модификациялашган шакл турли хил параметрлар билан боғлиқдир:

1. Миллий-характерли мавзуйлик(куй-ритмик) ва тузилиш хусусиятлари(кўпинча вариант-вариационлилик);

2. Фактуранинг тузилиши;

3. Вариациялаш усуллари(асосан лад-оҳанглилик, метр-ритмик, суръатли, структурали, фактурали вариациялаш усуллариининг устунлиги);

4. Ритмнинг аҳамиятли роли;

5. Шаклланиш жараёни;

6. Шакл хусусиятлари.

Таъкидлаш жоизки, замонавий композиторларнинг асарлари каби Ўзбекистон композиторларининг асарларида, вариацион шаклнинг қайсидир бир кўринишини аниқлаш мураккаб ва бунга зарурат йўқдир. Чунки, улар кўп ҳолатларда, вариация турлари(қатъий, эркин, полифоник, гомофон-гармоник, остинатоли, жанр-характерли)нинг белгиларини бирлаштиради.

Айтиш мумкинки, композиторлар вариацион шаклни яратишда мустақил, ижодий ёндашувларини намоён этадилар ва шу аснода, *оригинал, ноодатий, индивидуал* асарларни яратадилар. Шу билан бир қаторда айтиш мумкинки, вариацион шаклни яратишда композиторлар замонавий ёзув техникасидан фойдаланишса, янада янги имкониятларни очиб берар эди.

Вариацион шаклнинг имкониятлари беҳисоб кўплигига қарамадан, Ўзбекистон композиторлари етарли даражада вариацион шаклга мурожаат қилишмайди. Композиторлар билан суҳбатлашганда ушбу саволга турли жавобларни эшитдик. Буларнинг орасида, ушбу шакл статик, монотоник, уни ривожлантириш, яхлитлигини таъминлаш мураккаб деган фикрларни эшитдик. Лекин бу каби фикрлар асосли эмас, чунки ҳам жаҳон мусиқасида, ҳам Ўзбекистон композиторлари ижодиётида вариацион шаклни яратишда баркамол, юқори бадий натижаларни кўрсатадилар.

Бизнинг фикримизча, ўзбек халқ миллий аънаналарининг бойлиги, беҳисоблигини Ўзбекистон композиторларининг асарларида, хусусан, вариацион шаклда тўлиқ даражада акс эттирилмади. Шубҳасизки, вариацион шаклни ўрганишда ҳали кўплаб муаммолар мавжуд. Биз уларни келгусида амалга оширишга ният қиламиз.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Головинский Г. Композитор и фольклор: из опыта мастеров XIX-XX веков: очерки. М.: Музыка, 1981. 279 с.
2. Цуккерман В. Анализ музыкальных произведений. Вариационная форма. – М., 1974. 245 с.
3. Тарасевич Н.” Тема как категория в музыкальной теории XV-XVI веков”//Музыка: творчество, исполнение, восприятие. М.,1992. 86-87-с
4. Назайкинский Е. Логика музыкальной композиции. М.,1982.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-4

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz